

**Раззоков Қосимбек Қуванович**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

**Жиззах политехника институти**

### **ҲИНДИСТОНДА ЧИШТИЯ ТАРИҚАТИ РИВОЖИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада тасаввуф таълимоти ва Ҳинд оламидаги Чиштия тариқати ва ундаги ижтимоий муносабатларга оид фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Тасаввуф, тариқат, комил инсон, чиштия, одоб, ахлоқ, тарбия, маънавият, авлиё, Низомиддин Авлиё.

**Razzokov Kasimbek Kuvanovich**

**Teacher of the "Social Sciences" department**

**Jizzakh Polytechnic Institute**

### **DEVELOPMENT OF THE CHISHTIYA SECT IN INDIA**

**Annotation:** This article discusses the doctrine of mysticism and the Chishti sect in the Indian world and social relations in it.

**Keywords:** mysticism, sect, perfect man, Chishtia, decency, morality, upbringing, spirituality, Saint, Nizamiddin Saint.

Маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлмиш тасаввуф таълимотининг турли йўналишларига оид кўлёмаларни жиддий тадқиқ этиш ва улар мазмунидан бугунги авлодлар учун ибратли хулосалар чиқариш муҳимдир. Ушбу йўналишлардан бири тасаввуф намояндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида турли ибратли нақллар ҳамда ривоятларни, миллий маънавиятимиз такомилидаги ўрни ва мавқеини ўрганиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис Шарқнинг хурфидли мутафаккирлари, чиштия сўфийлик таълимотига ўз ҳиссаларини қўшиб келган буюк вакиллари шайх Низомиддин Авлиё ва Амир Хусрав Деҳлавийларнинг ҳаёти, фаолияти, тасаввуфий қарашлари билан халқ руҳига кириб борган, қолаверса, уларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида туб ўзгаришлар ясаган илмий-амалий ишлари таҳлил этилди.

Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам инсон ва унинг маънавий камолотини юксалтиришдан иборатдир. Тасаввуф таълимотида “инсонни комил” ёки “комил инсон” тушунчаси билан ифодаланади.

“Комил инсон – атрофида бутун борлиқ олами айланаётган бир кутбдир: Қиёматга қадар энг улуғ валий ҳам у”. [2.Б. 140]

Демак инсон фаолияти давомида эзгулик ва комилликка интилиб яшаши оқибатида комил инсон ёхуд авлиёлик даражасига эришиб боради. Бир сўз билан айтганда, авлиё дегани бу – комил инсондир.

Авлиёлар, аввало, уларнинг эътиқодлари ва муҳаббатлари билан бошқалардан ажралиб турганлар. Улар ёшликданок илм ўқишга, Аллоҳни танишга динни тўғри тушунишига жидду жаҳд қилишган. Ўқиган ва билган ҳар бир нарсасига қаттиқ амал қилишган. Энг муҳими, илм билан бақамти одоб-ахлоққа эътибор беришган, ўғитларида ота-она ва устозларнинг дуосини олишни бот-бот таъкидлаганлар. [3.Б. 104]

Шарқ оламида яшаб ижод етган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, уларнинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш ҳамда Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган ахлоқий ва тарбиявий ишларининг замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва аҳамиятли эканини очиб бериш мақсадга мувофиқ. Сўфийлар Аллоҳ таолонинг назари тушган тоифаси бўлганлиги учун “мусулмонларнинг сайланган”лари деб қаралсалар, авлиёлар эса Аллоҳнинг “дўстлари” бўлганликлари учун “сўфийларнинг сайланган”лари деб ҳисобланадилар. [4.Б. 101] Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдийнинг фикрича, тасаввуф таълимотида солиқлар машойих ёки авлиёни кўрмоқликдан кўра, маънавий, руҳий фойдани уларнинг ҳаёти, ахлоқий сифатлари ва қилган амаллари тўғрисида ўрганиб билиб оладилар. У тасаввуфга доир асарларни ўқиш инсонни ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялайди, деб ҳисоблайди.

Муҳаммад Ҳабибнинг ёзишича, шайх Низомиддин Авлиё 1236 йил туғилган. Ҳозирги Уттар Прадеш штати ҳудудидаги Бадаун номли жойда

дунёга келган. [4.Б. 221] Дехли турклар томонидан босиб олингунига қадар Бадаун мусулмонлар маркази эди. Бу ерга Ўрта Осиё, Хуросон ва Гурадан кўп сонли кўчманчилар кўчиб келишган. Жумладан, Низомиддиннинг бобоси Бухородан Ҳиндистонга кўчиб келган. Отаси вафотидан сўнг Дехлига келиб яшай бошлаган. Шайх Хожа Сайид Муҳаммад Низомиддин Авлиё Ажмирлик Хожа Муҳйиддин Чиштий ҳазратларининг тўртинчи руҳий вориси бўлиш билан бирга мамлакатдаги чиштия тариқатининг ҳам давомчиси эди. Ҳазрати Бобо Фаридуддин Ганжи шакар вафотидан сўнг, Ҳазрати Хожа Низомиддин Авлиё Ҳиндистоннинг тўртинчи “Сажжаданашин” яъни энг юксак маънавият раҳбари сифатида унинг ўрнини эгаллади.

Ҳасан Дехлавий “Фаваид ал фуад” асарида келтиришича, Низомиддин шайхнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб ҳаётини дин йўлида риёзатга, зоҳидликка, тарки дунёчиликка бағишлашга қарор қилди ва келажакда “Аллоҳнинг дўсти”, “Авлиё” деган номлар билан бутун Ҳиндистонга машҳур бўлди. Шу ўринда авлиёлар ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган: “Огоҳ бўлингизким албатта Аллоҳнинг дўстларига бирон хавф йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Улар иймон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам хушхабар бордир”. [5.Б. 62]

Инсонга хизмат қилиш, унинг оғирини енгил, мушкулени осон этиш ғояси аслида барча тасаввуф тариқатларининг квинтэссенцияси, яъни маъно-мантқи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан чиштия тариқати вакили, Шайх Низомиддин Авлиё наздида: “Тангри томон бошловчи йўллар жуда кўп, бамисоли қум зарраларидек, аммо уларнинг бирортаси ҳам инсон юрагига қувонч баҳш этишдан зиёда эмас”. [7.Б. 154] Ҳазрати Низомиддин Авлиё чиштия тариқати вакили сифатидаги хислатлари Исломининг асосий таълимотлари ва сўфийлик тамойиллари асосида қурилган бўлиб, улар ҳақиқий диний маънода тинчликни англади. Унинг шахсияти ва ёрқин феъл-атвори шу қадар ҳукмрон эдики, ҳатто ҳеч ким уларнинг магнит тортишига дош беролмади. Унинг мазлум инсониятга бўлган буюк муҳаббати, ҳамдардлиги ҳам бирдек бетакрор ва мислсиз эди. Шунингдек

алломанинг дунёқарашини ифода этувчи яна бир муҳим омил, бу унинг сермаъно ирфоний ҳикматлари, ўғит, ибораларидир: Низомиддин Авлиё Чиштия тариқатидаги: “Аллоҳга муҳаббат ва садоқат, ахлоқий фазилатларни тарбиялаш ва инсониятга фидокорона хизмат қилиш” таълимотларини шогирдларига тушунтирди ва уларни ҳам шу йўлда сафарбар этди. [8.Б. 15]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, чиштия тариқатнинг аҳамиятли томони ҳам шундаки, унда кўпроқ жамият ҳаётида иштирок этувчи инсонларга ахлоқий ва ижтимоий муносабатларда кўпроқ тарбия масаласига эътибор қаратганлигидадир. Қолаверса мазкур тариқатда тамаки ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш ҳамда алкоголь ичимликлар ичишнинг таъқиқланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Сирасини айтганда, инсон-жамият-давлат муносабатлари масаласида инсоннинг ўз “мен”ини шакллантиришида, инсонпарварлик туйғуларини тараққий этишида ва озод бўлиб, яъни маънавий ва ахлоқий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш, ички ҳиссиёт ва кечинмалари билан эса Аллоҳга эътиқод, сиғиниш ҳамда инсонпарварлик тарзида намоён бўлишидадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Усмон Турар Тасаввуф тарихи. Тошкент: Истиқлол. 1999.
2. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Буюқлар ҳалқаси: (олтин силсила валийлари).-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2011.
3. John A. Subhan “SUFISM ITS SAINTS AND SHRINES”. Lahore, India. 1938.
4. Ruziyev, A. (2021). Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро деалектикаси. Научно-просветительский журнал " Наставник", (2), 187-193.
5. Рўзиев, А. (2020). Амир Темур қарашларида сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг акс ЭТИШИ. Научно-просветительский журнал " Наставник".
6. The Life and Times of Shaikh Nizam-u'd-din Auliya, by Khaliq Ahmad Nizami; Idarah-i Adabyat-i Delli, 1991. The Dargah of Nizamuddin Auliya, by Laxmi Dhaul; Pallee, Anoop Kamath, Rupa & Co., 2006. ISBN 81-291-0938-7.
7. Abdur Rahman Momin, “Delhi: Dargah of Shaykh Nizmauddin Awliya,” Marg 56:1 (2004).

8. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
9. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
10. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). the Concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
11. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
12. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
13. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
14. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
15. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
16. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
17. Azimova, S. Y., & Tojibojev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
18. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
19. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.